

ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ТУШУНЧАНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Юлдашев Рустам Даниёрович

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

Тарих факультети, Самарқанд тамаддуни кафедраси

доцент, фалсафа фанлар доктори (PhD)

Email: rustamyuldashev361978@gmail.com

Тел: 91-521-84-01

Аннотация

Ёшларнинг дунёвий ва диний дунёқарашини уйғун тарзда шакллантириш ва ривожлантириш Янгиланаётган Ўзбекистонда маърифатпарварликка асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишнинг таянч омилларидан бири саналади. Асосий мақсади эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва инсон қадрини юксалтириш орқали халқпарвар давлатни барпо этишдир. Ушбу илмий мақолада Янги Ўзбекистонни барпо этишда ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришнинг замонавий концептуал асосларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш масаласи юзасидан илмий-амалий аҳамиятга молик бўлган фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар. Янги Ўзбекистон, ёшлар, жаҳон, замонавий фикрлаш, дин, диний ташкилот, диний-маърифий тарбия, ижтимоий тарбия, диний гуруҳ ва жамоа, диний эътиқодлар, жамиятда диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувлик.

Аннотация

Гармоничное формирование и развитие светского и религиозного мировоззрения молодежи является одним из базовых факторов построения в обновляющемся Узбекистане гражданского общества, основанного на просвещении. Основная цель- построение народно-демократического государства путем формирования свободного гражданского общества и повышения ценности человека. В данной научной статье изложены идеи, имеющие научно-практическое значение по вопросу разработки и практического применения современных концептуальных основ формирования и развития мировоззрения молодежи в построении нового Узбекистана.

Ключевые слова. Новый Узбекистан, Молодежь, мир, современное мышление, религия, религиозная организация, религиозно-просветительское воспитание, социальное воспитание, религиозная группа и сообщество, религиозные убеждения, религиозная терпимость и межконфессиональная гармония в обществе.

Annotation

The harmonious formation and development of the secular and religious worldview of young people is considered one of the key factors in the establishment of a civil society based on enlightenment in an updated Uzbekistan. The main goal is to build a nationalistic state by forming a free civil society and elevating human value. This scientific article describes the ideas of scientific and practical importance on the issue of developing and putting into practice the modern conceptual foundations of the formation and development of the worldview of young people in the construction of a new Uzbekistan.

Keywords. New Uzbekistan, Youth, World, modern thinking, religion, religious organization, religious and educational education, social education, religious group and community, religious beliefs, religious tolerance and interconfessional harmony in society.

Кириш (Introduction): Динни ижтимоий феномен сифатида тан олмаслик, айниқса одамларнинг диний ҳис-туйғулари билан ўйнашиш ҳамма вақт жамият ҳаётида кескин ўзгаришлар, ағдар-тўнтарлар, ҳалокат ва фалокатларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлган. Мадомики, дин ижтимоий ҳодиса экан, унинг моҳияти нимада деган савол туғилади? Бу саволга жавоб бериш учун олдин “дин” атамасининг маъносини тушуниб етиш зарур бўлади. Бу хусусда: “Араб тилидаги манбаларда қайд этилишича, дин сўзи “دین” (“dīna”) феълидан ясалган бўлиб, “кимгадир бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ, итоат этмоқ, кимдандир қарздор бўлмоқ, эътиқод қилмоқ, қилган ишига яраша мукофотламоқ”; “дийнун” сўзи эса, “дин, имон, ажр–мукофот, қилинган ишга яраша берилган ҳақ” каби маъноларни билдиради.

Исломдан аввал туркий халқларнинг дин тушунчасини ифодалаш учун турли даврларда “dīm”, “darm”, “nom” ва “den” каби сўзларни ишлатганлари маълум. Улардан “dīm”, “darm” дин, ақида маъносида санскритча (қадим ҳинд тили) “dharma”дан (Пали тилида dhamma); “nom” дин ишонч, қонун маъносида суғд тилидан кириб келганлиги айтилади. Ўзбек тилидаги “дин” маъносини берувчи атамалар барча тилларда мавжуд. Жумладан, зардуштийларнинг манбаси “Авесто”да “дин” сифатида “daena”, қадимги форс паҳлавий тилида “den”, “dīn”, “dena”, “daena” сўзи ишлатилиб, «йўл», «мазҳаб», «маросим», «услуб», «тарз» каби маъноларни билдирган. Иброний тилида истифода қилинадиган «dath» сўзи «дин» тушунчасини ифодалаш учун умумий термин бўлиб, «хукм», «амр» ва «қонун» маъноларини англатган.

Рус тилида дин маъносини англатадиган «религия» сўзининг келиб чиқиши борасида луғатларда бир қанча ёндашувлар келтириб ўтилган. Улардан баъзиларига кўра мазкур атама латинча «religio» сўзидан келиб чиқиб, «диёнат, диндорлик, тақводорлик,

художўйлик, мўминлик, тақво, муқаддас нарсa ёки жой, қадамжo, зиёратгоҳ, ибодат топиниш–сиғиниш ва у билан боғлиқ диний маросимлар» деган маъноларни англатади. Иккинчи гуруҳ тилшунослар «religio» сўзи семантик, маъно ва морфологик жиҳатдан «relegere» сўзи билан боғлиқ бўлиб, «янгидан тўпламоқ, янгидан танлашга киришмоқ, қайта ишлаб чиқиш учун олдинги синтезга қайтиш» каби маъноларни англатади, деб таъкидлайдилар»¹.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology): Одамлар, жамоалар, халқларнинг у ёки бу нарсa, ҳодиса ва воқеликка нисбатан бўладиган эътиқодлари дин мақомига эга бўлиши учун қуйидаги уч асосий хусусиятга эга бўлиши лозим.

1. Ғайритабиий-мўжизавий илоҳлар ҳақидаги тасаввурнинг, яъни сиғиниш, топиниш объекти бўлган – Худонинг мавжуд бўлиши. Уларни трансцендент ва имманент илоҳларга бўлиш мумкин. Бунда: “Трансцендент илоҳларга инсонлар олаmidан ташқарида, инсонларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, қусур ва нуқсонлардан холи Худолар киради. Бунга мисол сифатида том маънода ислом динидаги Аллоҳ таоло ва қисман христианликдаги Ота Худо, яҳудийликдаги Яхвеларни келтириш мумкин.

Имманент илоҳлар деганда эса табиатнинг бир бўлаги сифатида тасаввур қилинган, инсонларга ўхшаб кетадиган, бироқ ғайриоддий яратувчилик, бузғунчилик, ризклантирувчилик каби кучларга эга бўлган Худолар киради. Бундай турдаги илоҳлар кўпинча ё антропоморф (инсон қиёфасида) ё зооантропоморф (ярим одам ярим ҳайвон) ёки зооморф (ҳайвон) шаклда тасаввур қилинади. Бунга мисол сифатида Қадимги Миср, Юнон, Рим цивилизациялари, замонавий Ҳиндистон, Хитой, Япония динларини санаш мумкин»².

2. Яратганни (Худони) инсонларни боғлаб турувчи ибодат ва маросимлар бўлиши шарт. Масалан, намоз, рўза, қурбонлик, ақиқа, амри маъруф, хатна, ҳаж ва бошқалар.

3. Диний ташкилотларнинг мавжудлиги. “Диний ташкилот – диний эҳтиёжларни биргаликда қондириш ва қондиришга кўмаклашиш мақсадида тузиладиган ва диний маросимларни адо этиш асосида иш кўрадиган ихтиёрий, тенг ҳуқуқли ва ўз-ўзини бошқарувчи уюшма»³. Бир сўз билан айтганда бу бир дин издошларининг жамоавий равишда ўз диний расмрусум, ибодат маросимларини ўтказадиган, диний таълим оладиган муассасаларидир. Бу, исломда – масжид, мадраса, христианликда – черков, семинария, яҳудийликда – синагога ва ҳоказо.

¹ Диншунослик асослари (Ўқув қўлланма). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013.- Б.7-8.

² Диншунослик асослари (Ўқув қўлланма). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013.- Б.8.

³ Ислom. Энциклопедия. – Т.: “ Ўзбекистон миллий энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти,2003. - Б.71.

Бугунги кунда жаҳонда 8,175,716,385 киши яшаётган бўлса, уларнинг 2,6 миллиарди христианлик, 2,2 миллиард ислом, 1,2 миллиарди индуизм, 0,5 миллиард буддизм динига эътиқод қиладилар. 1,2 миллиард эса динсиз теизм, агностизм, атеизмчилар қаторига киради⁴. Демак, жаҳон аҳолисининг 6 миллиарддан ортиқроқроғи диндорлар оламига мансуб кишилар ҳисобланади. Шунга кўра, уларнинг йўлбошчилари, фаол қатламлари мунтазам равишда диний-маърифий тарбия ишларини олиб бориш билан шуғулланадилар.

Таҳлил ва натижалар (Analysis results): Хўш, шундай экан, диний -маърифий тарбия нима, деган савол туғилади?. Бу саволга жавоб бериш одамлар яшаётган жамиятнинг мақсадини аниқлашдан бошланади. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг асосий мақсади эса “эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва инсон қадрини юксалтириш орқали халқпарвар давлатни барпо этиш”⁵ орқали одамларнинг фаровон яшашини таъминлашдан иборат. Бу буюк мақсаднинг тамал тошларидан бирини юксак ахлоқий-маънавий фазилатларга эга бўлган шахсларлар ташкил қилади. Ана шу жараёнда дин кучли маърифий куроли сифатида одамларнинг тарбиясига кучли таъсир кўрсатади. Мадомики, дин ижтимоий ҳодиса экан, у албатта ижтимоийлашув жараёнининг ажралмас қисми ижтимоий тарбиянинг бир қисми ҳисобланади. Ижтимоий тарбия нима? Бу хусусда профессор А.Чориев: “Ижтимоий тарбия жараёни бир бутун, яхлит система бўлиб, жамиятнинг барча социал институтлари (оила, мактабгача тарбия муассасалари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳалла кенгашлари), жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, маданий-маърифий уюшмалар амалга ошираётган барча тарбиявий-мафкуравий тадбирларни, шунингдек, маданий мерос, миллий қадриятлар, жамоатчилик фикрининг тарбиявий-мафкуравий имкониятларини ҳам ўзида қамраб олади. Бошқача айтганимизда, ижтимоий тарбия - тарбиявий таъсирнинг мақсади ва вазифалари, устувор йўналишлари ва соҳалари, омиллари ва воситалари, услублари ва усулларини ўзида мужассамлаштиради. Ижтимоий тарбия - тарбиянинг онгли, аниқ мақсад томон йўналтирилган қисми эканлигини унутмаслик даркор. Бошқача айтганимизда, ижтимоий тарбия – мафкуранинг ўзидир.”⁶, Клайв Эррикер (Clive Erricker): “Ижтимоий тарбия - бу ижтимоий аҳамиятга эга қадриятлар, қарашлар, ғоялар, хатти-ҳаракатлар ва мулоқот усулларини ўзлаштириш ва ижтимоий аҳамиятга эга фазилатларни

⁴ <https://sewabashirov.livejournal.com/579959.html>

⁵ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2022. - Б.10.

⁶ Анвар Чориев. Инсон фалсафаси. Ижтимоий тарбия. Учинчи китоб. – Қарши: “ Илм-фан маънавият”нашриёти.,2024. - Б.20.

ривожлантиришнинг мақсадли жараёнидир⁷.-деган таъриф ва тавсифларни берганлар. Биринчи таърифда ижтимоий тарбия мафкура билан тенглаштирилган, иккинчи таърифда эса ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фазилатларга нималар кириши кўрсатилмай қолиб кетган. Биринчи таърифда ижтимоий тарбияни амалга оширувчи меҳназмалар тизими аниқ кўрсатилган бўлса, иккинчи таърифда бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган. Бу саволга аниқроқ жавоб бериш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

1. Ижтимоий тарбия - бу шахснинг ижтимоий ривожланишига таъсир қилувчи муайян тарбия стратегияларидан иборат бўлиб, унинг мақсади жамиятда моддий ва маънавий фаровон яшашни қўллаб-қувватлаш, жамият аъзолари ўртасидаги ахлоқий-маънавий муҳитни яхшилаш, маргиналлик муаммоларини ҳал қилишдир.

2. Ижтимоий тарбиянинг вазифалари, бир томондан, маргиналлик муаммоларининг олдини олиш бўлса; иккинчи томондан ижтимоийлашув жараёнларини оптималлаштириши, учинчи томондан эса барча одамларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини бериш ҳам керак бўлади.

3. Ижтимоий тарбиянинг усуллари билан боғлиқ масалалар, хусусан жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни кузатиб борувчи одамлар ўртасидаги хатти-ҳаракатлар ва муносабатлар, маълум кадриятлар ва анъаналарни рад этувчи, ўз меъёрлари ва кадриятлари тизимини тасдиқловчи гуруҳларни аниқлаш, уларнинг хатти-ҳаракатларидаги ноадекват томонларни билиш ва тузатиш ишларини ташкиллаштиришни ҳам ҳисобга олиш керак.

Демак, юқорида баён қилинган ҳар бир ҳолатда прогрессив аҳамият касб этадиган трансформациялашув стратегиясини аниқлаш ва танлаш учун одамларнинг турмуш тарзи, уларнинг муаммолари, улар ўртасидаги муносабатлар ҳақида маълумотлар тўплаш орқали хулосалар чиқаришни ҳам инобатга олиш кераклигини ёддан чиқармаслик лозим.

Хўш, шундай экан диний-маърифий тарбия деганда нимани тушунмоқ керак? Бу хусусда бир қатор қомусий луғатларда қуйидагича таърифлар берилган. Масалан, “Диний тарбия – бу одамлар онга диний мафкура ва художўй хулқ-атвори сингдиришдир”⁸, “Диний тарбия - бу муайян дин ақидаларига асосланган тарбия тизимидир. Дин тарбиявий таъсир орқали инсоннинг маънавий ҳаётига кириб боради ва унинг иродасини дин талаб қиладиган ҳаракатларни амалга оширишга йўналтиради”, “Диний тарбия - бу бир ташкилот ёки дин таълимотига қатъий мос келадиган фикрлаш ва хулқ-атвори шакллантиришнинг мақсадли жараёнидир”, “Диний тарбия – бу

⁷ Clive Erricker. Religious education and social and emotional aspects of learning (SEAL). / Clive Erricker. The Religious Education Handbook. [Electronic resource]. URL: <http://re-handbook.org.uk/> (date of access: 14.11.2016).

⁸ Профессиональное образование. Словарь. Ключевые понятия, термины, актуальная лексика. — М.: НМЦ СПО, 1999.- С.217.

диндорларнинг дунёқарашини, дунёни ҳис этишини, муайян конфессиянинг (диннинг) ақидалари ва докторинал тамойилларига мос келадиган муносабатлар ва хулқ-атвор нормаларини сингдириш орқали мақсадли ва тизимли равишда тарбиялашдир”, “Диний тарбия - бу диндорларнинг нисбатан назорат остида ижтимоийлашувининг ажралмас қисми (оилавий тарбия ва ижтимоий тарбия билан бирга)”⁹. Бунда “диний-маърифий тарбия” тушунчасига, одатда “дин”, “маърифат” ва “тарбия” сўзларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда интеграл тушунча сифатида қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Диний-маърифий тарбия – бу диний, гуруҳ, жамоа, ташкилотларнинг етакчилари томонидан ҳар бир индивид, шахс, киши, одамларга Аллоҳнинг мавжудлигини, унинг мўжизавий кучга эга эканлигини англатиш, ахлоқий-маънавий қадриятларга бой бўлган диний урф-одатларга қатъий амал қилган ҳолда руҳий камолотга эриши орқали «икки дунё» ҳаёти саодатига эришиш учун тўғри йўлдан боришни ўргатишга қаратилган фаолиятдир. Диний-маърифий тарбиядан мақсад - бу кишиларга нафақат Яратганнинг ва пайғамбарлар ҳамда дин пешволарининг таълимотини ўргатишни, балки айни вақтда уларнинг жамиятда тутган ўрнини, фуқаролик бурчи ва масъулиятини ҳам тўғри англаб етиш зарурлигини кўрсатиш билан ҳам ифодаланади.

Аслини олганда диний-маърифий тарбиянинг марказида «икки дунё»нинг борлигини, унда инсоннинг ўлиmidан кейинги иккинчи дунёга боришда диний ақида, маросим, урф-одатларнинг ролини сакраллаштириш¹⁰ феномени ётади. Демак, бунда атрофдаги воқеликда юз бераётган ҳодисаларни, унда инсоннинг пайдо бўлиши ва умргузаронлик қилишларини муқаддас мазмун билан таъминлашга, хусусан диний урф-одатларни, маросимларни уларни муқаддаслаштириш масаласига алоҳида маъно бериш муҳим аҳамият касб этади.

Диний-маърифий тарбияни икки: ақлий (рационал) ва илоҳий (мистик) даражаларга ажратиш мумкин.

1. Диний-маърифий тарбиянинг ақлий (рационал) даражаси. Бунда асосан қуйидаги компонентлар: ахборот олиш ва уни узатиш; ахлоқий-маънавий қадриятлар қоидаларга қатъий амал қилиш; воқеликдаги ўзгаришларга қараб фаол ҳаракат қилишини таъминлашни йўлга қўйиш масаласи ётади. Худди шу жараёнда икки ҳолат: биринчидан, дунёвий билимларга асосланган дунёқарашнинг ўрнини ақл орқали идрок қилиш, уни динга қарама-қарши қўймаслик; иккинчиси диний бағрикенгликни кенгайтириб конфессиявийликка кенг йўл очиб бериш.

⁹ Религиозное воспитание. Педагогическая энциклопедия//<https://didacts.ru/termin/religioznoe-vospitanie.html>

¹⁰ Сакральный(лотинча sactr) - muqaddas - diniy kult va marosimga tegishli muqaddas; tantanali// Словарь иностранных слов – М.:” Рус.яз..1985 - С.441.

2. Диний-маърифий тарбиянинг мистик¹¹ даражаси. Масалан, бу даражада христиан дини тарбия жараёнида диндорларнинг илоҳият олами билан алоқа қила олишига ишонишдан иборат диний эътиқодни шакллантириш ва ривожлантириш учун турли маросимларга тайёргарлик кўриш ва қатнашишни, уйда ибодат қилишни, муқаддас нарсаларни ҳурмат қилиш ва эъзозлаб авайлаш туйғусини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Диний-маърифий тарбия турли хил шакллар қўлланилади, уларнинг кўпчилиги ташқи кўриниши билан ижтимоий тарбия шаклларига ўхшаб кетади. Масалан, тарбиявий дарслар тизими: семинарлар, маърузалар ва бошқалар. Шунингдек, диний байрам тадбирлари, экскурсиялар, ҳаваскорлар уюшмалари, хор, оркестрлар ва бошқалар. Диний-маърифий тарбия ишида оммавий тарзда ташкиллаштирилаётган барча тадбирларга «муқаддас»лик мақомини беришга ҳаракат қилинади.

Диний-маърифий тарбия ишларини оммавий тарзда ташкиллаштиришда: руҳонийлар, диний ва дунёвий (бир қатор мамлакатларда) таълим муассасаларининг ўқитувчилари, болалар ва ўсмирлар бирлашмалари тарбиячилари, диний ва дунёвий ташкилотларда фаолият юритувчи, масалан, скаутлар¹² томонидан амалга оширилади. Айни вақтда диний ташкилотлар томонидан назорат қилинадиган ва оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиб борилади. Бу ишга оилада эса диндорлар, ота-оналар, қариндошлар, диний жамоа аъзолари ва бошқалар жалб қилинади. Шу тариқа диний-маърифий тарбия жараёнида маълум бир мазҳабга тегишли бўлган фикрлаш, шу асосда хатти-ҳаракатлар содир этиш хусусиятларига, турмуш тарзига, шунингдек, жамиятда мослашиш ва чеклаш стратегияларига хос бўлган иймон-эътиқодлар янги авлодларининг пайдо бўлишига олиб келувчи қиймат-меъёрий тизимлар ишлаб чиқилади.

Диний-маърифий тарбия иккита негизга – юксак ахлоқийлик ва теран оқилликка таянгандагина кўзланган мақсадга эришиши мумкин бўлади. Чунки, юксак ахлоқийлик барча инсонийлик фазилатларни юзага чиқарса, теран оқиллик эса инсонни ҳар қил бўлмағур иллатлардан ҳимоя қилади. Француз ёзувчиси, файласуф Шамфор Себастьян-Рош Никола (1741-1794) ёзганидек: “Агар фақат ахлоққагина таянилса, унда сиз ғирт бефаҳмлар ёки додвойчи дардисарларни, фақат оқилликка таянилса - худбин шахсиятпарастларни тарбиялаб етиштиришингиз мумкин. Усиб-

¹¹ Мистика –юнонча «mystikos -яширин, сирли » деган сўзлардан олинган бўлиб, ғайритабиий оламга, илоҳлар ва илоҳий кучларга, инсоннинг илоҳият олами билан алоқа қила олишига ишонишдан иборат диний эътиқод.//Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Б.602.

¹² Скаут сўзининг ўзи инглиз тилидан разведка ходими деб таржима қилинган. Скаутлар ҳаракати ёшларнинг жамиятда конструктив ўрин эгаллаши учун ёшларнинг жисмоний, маънавий ва ақлий ривожланиши билан шуғулланувчи бутунжаҳон болалар ҳаракатидир. Бунга Скаут усули деб аталадиган амалий очик ҳавода фаолият олиб боришга қаратилган норасмий таълим орқали эришилади. Скаут ташкилоти ихтиёрий, сиёсий эмас ва мустақилдир.// Википедия. https://ru.wikipedia.org/wiki/Скаутское_движение.

улғайиш ҳар жиҳатдан, жисмоний ҳам, унга уйғун ҳолда ақлий, эстетик, ахлоқий жиҳатдан ҳам мутаносиб бўлмоғи керак”¹³.

Диний-маърифий тарбиянинг аҳамияти қуйидагилар билан белгиланади

1. Диний эътиқодларнинг кишилар амал қилиши керак бўлган ахлоқий-маънавий қадриятларини белгилаб беради, бунда ҳар бир сўзни ўйлаб гапириш, шунга мувофиқ тарзда ўзини тутишни талаб қилади.
 2. Замонавий жамиятнинг бир қисми бўлган турли динлар ва эътиқодлар ҳақидаги билимларнинг ривожланиб бориш тенденцияларини билиш учун муҳим илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини таъкидлайди.
 3. Худо ҳақидаги, инсоннинг ўзи ва мавжуд воқеликнинг табиати ҳақидаги ғоялар, унда нима яхши-ю, нима ёмон, инсон бўлиш нимани англатиши ҳақидаги саволларга жавоб топиш имкониятини беради.
 4. Ёшларда исломийлик, насронийлик каби асосий динлар, бошқа диний анъаналар ва ҳаётнинг турли саволларига жавоб берадиган дунёвий ва диний дунёқарашни тушунтириб бериш бўйича билимларини ривожлантиришга хизмат қилади.
 5. Жамиятда ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш орқали ёшлар шахсининг ривожланишига, келажакда ижтимоий ҳамжиҳатликнинг янада барқарор тус олишига ёрдам беради.
 6. Ёшларнинг ўз-ўзини, ўз хатти-ҳаракатларини, турмуш тарзидаги маънавий муҳитни яхшилашда диннинг аҳамияти борлигини чуқур англаш имконини беради.
 7. Таълим-тарбия муассасаларида ўқув дастури доирасида диний эътиқодларни ўрганишнинг маънавий, ахлоқий, маданий ва ижтимоий тараққиётга эришишда муҳим аҳамият касб этишини ҳар томонлама асослаб беради.
 8. Диний тушунчаларининг замонавий жамиятнинг ахлоқий-маънавий ва маданий ҳаётидаги ролини ўрганиш орқали одамларда ахлоқий онг ва фалсафий тушунчаларни ривожлантиришига олиб келади.
 9. Ёшларни катта сершовқин ҳаётига тайёрлаш, уларнинг бандлиги ва умрбод таълим-тарбия олишида муҳим ўрин тутди. Айниқса, болалар ва ёшларга ўзига ишонган шахслар ва масъулиятли фуқаролар бўлиб етишишларига ёрдам беради.
 10. Мактабда ўқувчилар ўртасида аҳилликни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшади.
- Хулоса ўрнида Н.Д.Никандров ёзганидек: “Диний тарбия ҳақиқат ва эзгулик қадриятларини билиш, кўникма ва тушунишни таъминлайди, одамларнинг ахлоқий

¹³ Шамфор Себастьян-Рок Никола. Максимы и мысли. М.: Арт Презент, 2012. – С. 146// <https://www.livelib.ru/author/490475/top-sebastenrok-nikola-de-shamfor>

мулоҳазалар қилиш қобилятини мустаҳкамлайди, шунингдек, тўғри танлов қилиш учун турли хил қарорлар қабул қилади”¹⁴.

Диний-маърифий тарбия турли миллат вакиллари тушуниш ва эътироф этишни ривожлантириш учун яхши асос яратади, миллий ва умуминсоний қадриятларни ривожлантиришга ёрдам беради, диний камситишларнинг олдини олади.

XXI асрга келиб дин одамлар учун кучли ижтимоийлаштирувчи омилга айланиб бормоқда. Дин ана шу ижтимоийлаштирувчи призма орқали оламни дунёвий ва диний омилларни уйғунлаштириш орқали янгича фалсафий кўз билан қаровчи тафаккур тарзига айланиб бормоқда. Бугунги кунда диний-маърифий тарбияни янги босқичга кўтариш ёшларни:

- а) ҳаёт ва меҳнатга пухта тайёргарлик кўриш;
- б) бошқа одамлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрлаш;
- в) ўзгаларни ҳурмат қилиш;
- г) бошқаларнинг дини ва маданиятига ҳурмат кўрсати;
- д) турли қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини эътироф этиш;
- е) ҳар қандай адолатсизликлар билан мурасасиз бўлиш;
- ё) атроф-муҳитни асраш ва кундан-кунга яхшилаб бориш;
- ж) доимо маънавий-руҳий муҳитни яхши томонга ўзгартириб бориш;
- з) халқлар ўртасида тинч-тотув, уруш-жанжалларсиз яшашни тарғиб-ташвиқ қилиш орқали замон руҳига мос келадиган диний ва дунёвий дунёқарашларни уйғунлаштириш тизимини яратишга ҳисса қўишни олий мақсад сифатида қарамоқда. Чунки, ёшларнинг дунёвий ва диний дунёқарашини уйғун тарзда шакллантириш ва ривожлантириш Янгиланаётган Ўзбекистонда маърифатпарварликка асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишнинг таянч омилларидан бири саналади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations): Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида “Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида “Фармон қабул қилинди ва унда диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари қилиб қуйидагилар:”

- а) жамиятда диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувликни янада мустаҳкамлашга оид илғор механизмларни жорий этиш;

¹⁴ Никандров Н. Д. Светское образование и духовное просвещение: проблемы взаимодействия. [Текст] / Н. Д. Никандров // Педагогика, 2010. № 3. С. 9-14.

б) илм-фан ва жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларнинг инсонпарварлик, эзгулик, тинчлик ва бағрикенглик каби умуминсоний ва олийжаноб ғояларга асосланган диний-фалсафий меросини чуқур ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этиш;
 в) диний-маърифий соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш орқали замон талабларига мос мутахассисларни етиштириш;
 г) аҳоли орасида бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат руҳини кучайтириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган долзарб илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;
 д) диний-маърифий соҳадаги халқаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш¹⁵ кабилар белгиланди.

Демак, ушбу Фармон мамлакатимиз ёшларининг дунёвий ва диний дунёқарашларини уйғун шакллантириб боришни кафолатловчи ҳукукий асосларидан бири саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. Тошкент: "Ўзбекистон", 2022. - Б.10.
2. Диншунослик асослари (Ўқув қўлланма). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013.- Б.7-8.
3. Диншунослик асослари (Ўқув қўлланма). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013.- Б.8.
4. Ислом. Энциклопедия. – Т.: “ Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. - Б.71.
5. <https://sevabashirov.livejournal.com/579959.html>
6. Анвар Чориев. Инсон фалсафаси. Ижтимоий тарбия. Учинчи китоб. – Қарши: “ Илм-фан маънавият”нашриёти., 2024. - Б.20.
7. Clive Erricker. Religious education and social and emotional aspects of learning (SEAL). / Clive Erricker. The Religious Education Handbook. [Electronic resource]. URL: <http://re-handbook.org.uk/> (date of access: 14.11.2016).
8. Профессиональное образование. Словарь. Ключевые понятия, термины, актуальная лексика. — М.: НМЦ СПО, 1999.- С.217.
9. Религиозное воспитание. Педагогическая энциклопедия // <https://didacts.ru/termin/religioznoe-vospitanie.html>
10. Сакральний(лотинча sactr) - muqaddas - diniy kult va marosimga tegishli muqaddas; tantanali// Словарь иностранных слов – М.:” Рус.яз..1985 - С.441.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида.(ПФ-68.21.04.2025.)

11. Мистика –юнонча «mystikos -яширин, сирли» деган сўзлардан олинган бўлиб, ғайритабиий оламга, илоҳлар ва илоҳий кучларга, инсоннинг илоҳият олами билан алоқа қила олишига ишонишдан иборат диний эътиқод.//Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Б.602.
12. Скаут сўзининг ўзи инглиз тилидан разведка ходими деб таржима қилинган. Скаутлар ҳаракати ёшларнинг жамиятда конструктив ўрин эгаллаши учун ёшларнинг жисмоний, маънавий ва ақлий ривожланиши билан шуғулланувчи бутунжаҳон болалар ҳаракатидир. Бунга Скаут усули деб аталадиган амалий очик ҳавода фаолият олиб боришга қаратилган норасмий таълим орқали эришилади. Скаут ташкилоти ихтиёрий, сиёсий эмас ва мустақилдир.// Википедия. [https://ru.wikipedia.org > wiki > Скаутское_движение](https://ru.wikipedia.org/wiki/Скаутское_движение).
13. Шамфор Себастьян-Рок Никола. Максимумы и мысли. М.: Арт Презент,2012. – С. 146// <https://www.livelib.ru/author/490475/top-sebastenrok-nikola-de-shamfor>
14. Никандров Н. Д. Светское образование и духовное просвещение: проблемы взаимодействия. [Текст] / Н. Д. Никандров // Педагогика, 2010. № 3. С. 9-14.